
Milliy gvardiya
Ixtisoslashtirilgan
o‘quv markazi



«Jamoat xavfsizligini ta’minlashning dolzarb masalalari»

RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA

TO‘PLAMI

2026-yil 25-sentyabr

(71) 236 - 52 - 36
ium@exat.uz
(90) 958 - 93 - 14

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY GVARDIYASI
IXTISOSLASHTIRILGAN O‘QUV MARKAZI

“JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHNING DOLZARB MASALALARI”

RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA MATERIALLARI

TO‘PLAMI

(2026 yil 25 sentabr)

Guliston 2026

*Ushbu to‘plam O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Ixtisoslashtirilgan o‘quv markazida 2026-yil 25-sentabr kuni **“Jamoat xavfsizligini ta’minlashning dolzarb masalalari”** mavzusida o‘tkazilgan Respublika ilmiy-amaliy konferensiuya yig‘ilishida ma’qullangan,* 2026 – 659 bet

Maqolalar to‘plamida, mavzuga doir yetakchi xorijiy davlatlarning ilg‘or tajribalari va O‘zbekiston Respublikasida jamoat xavfsizligini ta’minlashga doir ilmiy va amaliy tadqiqotlar yoritilgan.

Ushbu to‘plamda professor-o‘qituvchilar, ilmiy tadqiqotchilar, tinglovchi va kursantlar foydalanishlari mumkin

To‘plamga kiritilgan maqolalarning mazmuni va keltirilgan faktlar to‘g‘riligi uchun mualliflar mas’ul.

MAS’UL MUHARRIR
Babayev Akmal Abdukarimovich
O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Ixtisoslashtirilgan o‘quv markazi boshlig‘i, yuridik fanlar bo‘yicha falsafa doktori, polkovnik

TAHRIR HAY’ATI

Abdullayev Sh.M. – harbiy fanlar bo‘yicha falsafa doktori;

Komarov I.V – jamoat xavfsizlgi va huquqiy tayyorgarlik sikli boshlig‘i, polkovnik

Valiyev S.S. – jamoat xavfsizlgi va huquqiy tayyorgarlik sikli katta o‘qituvchisi, Qurolli Kuchlar xizmatchisi

Ganiyev Sh.A. – harbiy fanlar bo‘yicha falsafa doktori

TEXNIK MUHARRIR
Uraimov M.Z.
Otamurodov S.S.
Yaxshimurodov I.X.

© O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Ixtisoslashtirilgan o‘quv markazi, 2026.

Саитқулов Қодирали Абдисалимович
Ўзбекистон Республикаси Криминология
тадқиқот институти
етакчи илмий ходими, ю.ф.б.ф.д. (PhD),
доцент, подполковник
Абдугаппаров Алишер Азатбекович
Ўзбекистон Республикаси Криминология
тадқиқот институти
марказ бошлиғи, подполковник
Кутлимуратов Махмуджон Шарипбаевич,
Ўзбекистон Республикаси Криминология
тадқиқот институти
илмий ходими, капитан

ИЖТИМОИЙ ПРОФИЛАКТИКА ТАДБИРЛАРИ МУДДАТЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Аннотация. Мақолада “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида амалга ошириладиган ижтимоий профилактика тадбирларининг муддатларини белгилашга оид ҳуқуқий ёндашувлар таҳлил қилинган. Турли ижтимоий профилактика объектларига нисбатан уч ёки олти ойлик ягона муддатларни қўллаш амалдаги қонунчилик, индивидуал эҳтиёж ва махсус тартиб-таомиллар билан қиёсий ўрганилган. “Календарь муддат - ҳуқуқий натижа - барқарор хизмат” мезонларига асосланган дифференциацияланган модель, оралиқ баҳолаш ва қўшма хулоса тузишнинг аниқ мезонлари таклиф этилган.

Калит сўзлар. ижтимоий профилактика, ижтимоий мослаштириш дастури, индивидуал муддат, қўшма хулоса, профилактик ҳисоб, кейс-менежмент, ҳимоя ордери, бандлик, реабилитация, “маҳалла еттилиги”.

Аннотация. В статье исследованы правовые подходы к определению сроков мероприятий социальной профилактики на основе принципа «Благоустроенная и безопасная махалля». Унифицированные трех- и шестимесячные сроки сопоставлены с

индивидуальными потребностями и специальными процедурами действующего законодательства. Предложена дифференцированная модель, основанная на критериях «календарный срок - юридический результат - устойчивая услуга».

Ключевые слова. социальная профилактика, программа социальной адаптации, индивидуальный срок, совместное заключение, профилактический учет, кейс-менеджмент, реабилитация.

Abstract. The article examines legal approaches to setting time limits for social prevention measures under the “Prosperous and Safe Mahalla” principle. Uniform three- and six-month periods are compared with individual needs and special statutory procedures. A differentiated model based on “calendar period - legal outcome - sustainable service” is proposed, together with criteria for interim assessment and joint conclusions.

Keywords. social prevention, social adaptation programme, individual period, joint conclusion, preventive registration, case management, rehabilitation.

Кириш. Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини маҳалла даражасида ташкил этиш ижтимоий муаммони жиноий оқибатга айланмасидан олдин аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 1 декабрдаги 754-сон қарори билан тасдиқланган “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом бу соҳадаги субъектлар, объектлар, ижтимоий мослаштириш дастури ва қўшма хулоса механизмларини белгилади [1].

Мазкур механизмни амалга оширишда ҳар бир тоифага нисбатан олдиндан белгиланган уч ёки олти ойлик муддатни қўллаш ташкилий ҳисобдорлик учун қулай кўриниши мумкин. Бироқ ижтимоий профилактика объектларининг ҳуқуқий мақоми, эҳтиёжи, муаммони ҳал этиш тартиби ва кутилган натижаси бир хил эмас. Ишсиз шахсни касбга ўқитиш, қарамликни даволаш, зўравонликдан жабрланган шахсни ҳимоя қилиш, парваришга

муҳтож кексани доимий хизматга ўтказиш ҳамда профилактик ҳисобда турган шахс билан ишлаш мутлақо турли ҳуқуқий режимларга бўйсунади.

Шу сабабли тадқиқотнинг мақсади ижтимоий профилактика тадбирлари муддатларини белгилашдаги умумлаштирилган ёндашувларни ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаш, махсус қонунчилик билан зиддиятларни аниқлаш ва индивидуаллаштирилган, натижага йўналтирилган модель ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқотда формал-юридик, тизимли, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий таҳлил ва ҳуқуқий моделлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Ижтимоий профилактика муддатининг ҳуқуқий табиати. Ижтимоий мослаштириш дастурининг муддати уч хил вазифани бажариши мумкин: чора-тадбирни бажариш учун календарь чегара; эришилган натижани оралиқ баҳолаш санаси; дастурни якунлашга асос бўлувчи ҳуқуқий ҳолат. Уларнинг бир-бирига тенглаштирилиши асосий методологик хатодир. Уч ойлик оралиқ назорат белгиланиши мумкин, аммо бу санага келиб шахснинг барча муаммолари ҳал этилган деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Вазирлар Маҳкамасининг 754-сон қарорига 2-илова қилинган Низомнинг 14–15-бандлари ҳар бир тадбир ва унинг муддатини ижтимоий мослаштириш дастурида белгилаш ҳамда дастурни ҳар бир шахс учун индивидуал тузишни назарда тутади. 24-бандга кўра, дастур тегишли субъект ва профилактика инспектори, профилактика инспектори амалга оширган ҳолда эса маҳалла раиси билан биргаликда тузиладиган қўшма хулоса асосида якунланади [1]. Демак, қўшма хулоса календарь муддат автоматик тугаганини эмас, белгиланган чоралар ва натижалар текширилганини ифодалаши керак.

Илмий нуқтаи назардан ижтимоий профилактика муддати “индивидуал эҳтиёжни аниқлашдан бошланиб, хавф омили бартараф этилгани, камайгани ёки шахснинг давомли хизмат кўрсатувчи ваколатли тизимга барқарор ўтказилгани тасдиқлангунга қадар давом этадиган, оралиқ баҳолаш саналари

билан бошқариладиган давр” сифатида тушунилиши мақсадга мувофиқ.

Бандлик, тадбиркорлик ва ёшлар билан ишлаш муддатлари. Банд бўлмаган ёки доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахсга нисбатан олти ойлик ягона муддат белгилаш “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуннинг ҳуқуқий конструкциясига тўлиқ мос келмайди. Қонунга кўра, шахснинг мақоми ишга жойлашиш, касбга тайёрлашга юборилиш, ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиш, субсидия ёки микрокредит олиш каби турли юридик фактлар билан ўзгаради[2]. Ушбу чораларнинг амалга ошиш муддатлари ҳам бир хил эмас. Шу боис дастур муддати танланган бандлик чораси ва унинг махсус тартиб-таомилига боғланиши керак.

Ишсиз ёшлар ва мактаб битирувчиларини уч ойда доимий банд қилиш талаби ҳам натижанинг давлат органи назоратидан ташқари омилларга боғлиқлигини инобатга олмайди. Касбга ёки ҳайдовчиликка ўқитиш, контракт тўловини қоплаш, субсидия ва кредит ажратишнинг ҳар бири алоҳида мезон ҳамда муддатларга эга. Ёшларга кўмак чоралари Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарорида белгиланган шартлар асосида амалга оширилади [3]. Ёшнинг профилактика тоифасига киритилиши унинг барча ёрдам турларини автоматик олиш ҳуқуқини вужудга келтирмайди.

Давлат кўмагига муҳтож “оғир” тоифадаги ёшларнинг муаммолари бандлик, таълим, оилавий шароит, турар жой, соғлиқ, психологик ёки ҳуқуқий ёрдам билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун уларнинг барчасига “соғлом турмуш тарзига қайтариш” натижасини белгилаш ҳуқуқий жиҳатдан ноаниқ. Мазкур ибора қарамлик, қимор ёки ғайриижтимоий хулқ-атвор билан ишлашда ўринли бўлиши мумкин, аммо контракт тўлови ёки ишсизлик муаммосининг ҳуқуқий натижасини ифодаламайди.

Тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган шахс учун уч ойни амалий кўмак ва оралиқ баҳолаш даври сифатида белгилаш мумкин, лекин шу муддатда бизнесни албатта ишга туширишни

талаб қилиш асоссиз. Давлат рўйхатидан ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарори, кредит муносабатлари эса Фуқаролик кодекси ва банк талаблари асосида амалга оширилади [4; 5]. Дастур қонуний рўйхатдан ўтиш, режалаштирилган чораларни бажариш ёки асослантирилган раддан кейин муқобил бандлик чораси белгиланиши билан якунланиши мумкин.

Соғлиқ, қарамлик ва ғайриижтимоий хулқ-атвор билан боғлиқ ҳолатлар. Спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки инсон ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддаларга қарам шахсларни олти ойда “соғлом ҳаётга қайтариш” талабининг тиббий натижаси олдиндан кафолатланмайди. “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасига кўра, мажбурий даволаш давомийлиги тиббий комиссия томонидан клиник стандартлар ва даволаш баённомалари асосида белгиланади, унинг энг кўп муддати ўн саккиз ойни ташкил этади [6]. Ихтиёрий даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация ҳам индивидуал тиббий кўрсатмаларга боғлиқ.

Қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларга ружу қўйган шахслар билан ишлашда психологик қарамлик, қарздорлик, оилавий оқибатлар ва қайта ружу қўйиш хавфи баҳоланиши керак. Уч ойлик муддат психологик ёрдамнинг натижасини кафолатламайди. Шунинг учун дастурда психологик баҳолаш, ҳуқуқий тушунтириш, молиявий ва оилавий хавфларни камайтириш чоралари белгиланиб, якунлашда чораларнинг бажарилиши ва хавф омилларининг динамикаси ҳисобга олиниши лозим.

Ғайриижтимоий хулқ-атворли ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ёш билан ижтимоий иш олиб бориш профилактик ҳисобга олиш билан айнан бир ҳуқуқий институт эмас. Профилактик ҳисоб фақат “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 35–37-моддаларидаги асос ва тартибда юритилади; унинг умумий муддати ҳамда тугатиш асослари 38–39-моддаларда

белгиланган[7]. Ижтимоий мослаштириш дастурининг якунланиши профилактик ҳисобни автоматик равишда тугатмайди.

Шу муносабат билан ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллик ҳақидаги хулоса ишончли маълумотлар, шахснинг хатти-ҳаракатлари, турмуш ва оилавий шароити ҳамда хавфга таъсир этувчи сабаблар асосида индивидуал шакллантирилиши зарур. Ижтимоий ёрдамнинг мақсади шахсни стигматизация қилиш эмас, хавф омилларини камайтиришдан иборат.

Вояга етмаганлар, оилавий низо ва зўравонлик ҳолатлари. Қаровсиз ва назоратсиз қолган вояга етмаганга нисбатан уч ойлик ягона муддат белгилаш боланинг энг устун манфаатлари тамойилига мос эмас. “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ, якка тартибдаги профилактика иши ижтимоий ва бошқа ёрдам кўрсатиш учун зарур муддатда амалга оширилади [8]. Болани таълимга қайтариш муҳим натижа, аммо назоратсизликка сабаб бўлган оилавий, психологик ёки маиший омиллар сақланса, ишни якунлаш учун ягона асос бўла олмайди.

Ажрим ёқасига келган ва низоли оилалар билан ишлашда олти ойлик назорат даври айрим ҳолатларда мақбул бўлиши мумкин. Бироқ суд томонидан яратиш учун муҳлат берилиши барча низоли оилаларга автоматик ижтимоий профилактика муддатини белгиламайди. Айниқса, оилавий зўравонлик мавжуд ҳолатда “оилани сақлаб қолиш” эмас, жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи, хавфсизлиги ва эркин хоҳиш-иродаси устувор бўлиши шарт.

“Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун зўравонлик факти ёки хавфи аниқланганидан кейин ҳимоя ордерини расмийлаштириш, хавф сақланса уни суд тартибида узайтириш, жабрланувчига бошпана, ҳуқуқий, психологик, тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш механизмларини назарда тутади [9]. Шу боис мунтазам тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизни “олти ойда соғлом турмуш тарзига қайтариш” мазмунан нотўғри: муаммо жабрланувчининг турмуш тарзида эмас, унга нисбатан содир этилаётган зўравонлик ва хавфдадир. Хулқ-

атворни ўзгартиришга қаратилган тузатиш дастури жабрланувчига эмас, зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил шахсга нисбатан қўлланиши лозим.

Ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизга нисбатан натижа унинг аниқ муаммосига қараб белгиланади. ПФ–209-сон Фармонда хотин-қизлар фаолининг вазифалари белгиланган бўлса-да, барча ҳолатни уч ойда тугатиш талаби мавжуд эмас [10]. Дастур муаммо ҳал этилганда ёки шахс давомли хизмат кўрсатувчи ваколатли органга қабул қилинганда якунланиши мақсадга мувофиқ.

Узоқ муддатли ижтимоий хизмат ва реинтеграция ҳолатлари. Жазони ижро этиш муассасасидан қайтган шахс учун дастлабки уч ойни жадал ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва оралиқ баҳолаш даври сифатида белгилаш мумкин. Бироқ касбга ўқитиш, ишга жойлаштириш, ҳужжатларни тиклаш, оилавий муносабатларни барқарорлаштириш ва қайта ҳуқуқбузарлик хавфини камайтириш кўпроқ вақт талаб этиши мумкин. Профилактик ҳисобнинг махсус муддати ижтимоий дастур муддатидан мустақил равишда қўлланади [7].

Оғир аҳволга тушган ёки тушиб қолиш хавфи юқори шахслар билан “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари кейс-менежмент асосида ишлайди, эҳтиёжни ўрганади, буюртмаларни масъул идораларга юборади ва мунтазам мониторинг олиб боради. Президентнинг 2023 йил 1 июндаги ПФ–82-сон Фармонида ҳар бир кейсни уч ойда тугатиш талаби белгиланмаган [11]. Муаммо ҳал этилмаган ёки давомли хизматга эҳтиёж сақланган ҳолда дастур давом эттирилиши ёхуд шахс махсус хизмат тизимига ўтказилиши керак.

Парваришга муҳтож ёлғиз кекса, ногиронлиги бўлган ёки оғир касалликка чалинган шахснинг эҳтиёжи кўпинча доимий хусусиятга эга. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 11 мартдаги 123-сон қарори билан тасдиқланган маъмурий регламент индивидуал ижтимоий хизматлар режаси, даврий қайта баҳолаш ва мониторингни назарда тутади [12]. Президентнинг 2023 йил 27 декабрдаги ПҚ–410-сон

қарори ҳам парваришга муҳтож шахсларга хизмат кўрсатишнинг янги тизимини белгилаган [13]. Шу сабабли уч ойда хизматни тугатиш эмас, шахсни барқарор хизмат тизимига тўлиқ ўтказиш ижтимоий профилактика дастурини якунлаш мезони бўлиши лозим.

Дифференциацияланган муддат модели ва илмий таклифлар. Таҳлиллар ижтимоий профилактика муддатини уч таркибий қисмга ажратиш заруратини кўрсатади: 1) дастлабки баҳолаш ва шошилинч чоралар муддати; 2) индивидуал дастурдаги чораларни амалга ошириш муддати; 3) натижанинг барқарорлигини мониторинг қилиш муддати. Биринчи босқич қисқа ва қатъий бўлиши, иккинчи босқич шахс эҳтиёжи ҳамда махсус тартибга мувофиқ индивидуал белгиланиши, учинчи босқич эса хавф хусусиятига қараб давом этиши мумкин.

Қуйидаги илмий-амалий таклифлар илгари сурилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 754-сон қарори билан тасдиқланган Низомда “ижтимоий профилактика тадбирларининг индивидуал муддати”, “оралиқ баҳолаш” ва “барқарор хизматга ўтказиш” тушунчаларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

2. Уч ва олти ойлик муддатларни барча тадбирларни мажбурий тугатиш чегараси эмас, тегишинча дастлабки ёки оралиқ баҳолаш даври сифатида белгилаш. Оралиқ баҳолаш натижасига кўра дастурни якунлаш, ўзгартириш, узайтириш ёки махсус хизматга ўтказиш ҳақида асослантирилган қарор қабул қилиниши лозим.

3. Қўшма хулосанинг ягона намунавий шаклини тасдиқлаш ва унда: аниқланган муаммо; кўрилган чора; ҳуқуқий натижа; бартараф этилган ва сақланиб қолган хавф омиллари; шахснинг фикри; давомли хизматга эҳтиёж; мониторинг муддати ҳамда масъул субъектни акс эттириш.

4. Тоифаларни натижага кўра уч гуруҳга ажратиш: бир марталик ҳуқуқий натижа билан якунланадиган ҳолатлар (рўйхатдан ўтиш, ҳужжат тиклаш); барқарор натижани кузатиш талаб этиладиган ҳолатлар (бандлик, тадбиркорлик, реинтеграция);

давомли хизматга ўтказиладиган ҳолатлар (парвариш, ногиронлик, оғир касаллик).

5. Зўравонликдан жабрланган шахсларга нисбатан “яраштириш” ва “соғлом турмуш тарзига қайтариш” каби натижаларни қўлламаслик; асосий мезон сифатида хавфсизлик, ҳимоя чораларининг бажарилиши ва жабрланувчининг хоҳиш-иродасини белгилаш.

6. Ижтимоий мослаштириш дастури билан профилактик ҳисоб, тиббий даволаш, ҳимоя ордери ва индивидуал ижтимоий хизматлар режасининг ҳуқуқий мустақиллигини аниқ кўрсатиш. Бир институт бўйича муддатнинг тугаши бошқасини автоматик якунламаслиги керак.

7. Самарадорликни “уч ойда ёпилган кейслар” сони билан эмас, ҳал этилган муаммолар, барқарор хизматга ўтказилган шахслар, такрорий хавфнинг камайиши ва 3, 6 ҳамда 12 ойлик мониторинг натижалари билан баҳолаш.

Хулоса. Ижтимоий профилактика турли ҳуқуқий мақом ва эҳтиёжга эга шахслар билан ишлашни қамраб олади. Шу боис барча тоифалар учун ягона уч ёки олти ойлик муддатни белгилаш индивидуаллаштириш тамойилига, айрим ҳолларда эса бандлик, соғлиқни сақлаш, вояга етмаганлар профилактикаси, зўравонликдан ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматларга оид махсус қонунчиликка мос келмайди.

Календарь муддатнинг ўзи ижтимоий натижа эмас. Ҳуқуқий жиҳатдан мақбул ёндашув - қисқа муддатни дастлабки ёки оралиқ баҳолаш санаси сифатида сақлаб, дастурни якунлашни аниқ чораларнинг бажарилиши, хавф омилларининг бартараф этилиши ёки шахснинг барқарор хизмат тизимига ўтказилиши билан боғлашдир. Таклиф этилган дифференциацияланган модель инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, “маҳалла еттилиги” масъулиятини аниқлаш ва ижтимоий профилактикани формал ҳисоботдан реал натижага йўналтиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 1 декабрдаги 754-сон «Жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги Ҳукумат қарорларини тизимлаштириш тўғрисида»ги қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси - LexUZ. URL: https://lex.uz/docs/7872510 (мурожаат санаси: 04.09.2026).

2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрдаги ЎРҚ–642-сон «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси - LexUZ. URL: https://lex.uz/docs/5055690 (мурожаат санаси: 04.09.2026).

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 312-сон «Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси - LexUZ. URL: https://lex.uz/docs/6051791 (мурожаат санаси: 04.09.2026).

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ–2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси - LexUZ. URL: https://lex.uz/docs/3111347 (мурожаат санаси: 04.09.2026).

5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (иккинчи қисм). 744-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси - LexUZ. URL: https://lex.uz/docs/180552 (мурожаат санаси: 04.09.2026).

6. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги ЎРҚ–644-сон «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси - LexUZ. URL: https://lex.uz/docs/5069150 (мурожаат санаси: 04.09.2026).

7. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ–371-сон «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси - LexUZ. URL: https://lex.uz/docs/2387357 (мурожаат санаси: 04.09.2026).

8. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ–263-сон «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси - LexUZ. URL: https://lex.uz/docs/1685726 (мурожаат санаси: 04.09.2026).

9. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги ЎРҚ–561-сон «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси - LexUZ. URL: https://lex.uz/docs/4494709 (мурожаат санаси: 04.09.2026).

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ–209-сон «Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга

қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси - LexUZ. URL: https://lex.uz/docs/6705763 (мурожаат санаси: 04.09.2026).

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги ПФ–82-сон «Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси - LexUZ. URL: https://lex.uz/docs/6480342 (мурожаат санаси: 04.09.2026).

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 11 мартдаги 123-сон «Ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси - LexUZ. URL: https://lex.uz/docs/6834968 (мурожаат санаси: 04.09.2026).

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 декабрдаги ПҚ–410-сон «Ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси - LexUZ. URL: https://lex.uz/docs/6725077 (мурожаат санаси: 04.09.2026).

Shermatova Nazokat Safarovna
O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasining
Xizmat psixologiyasi va kasbiy madaniyati
kafedrasi o‘qituvchisi, mayor
Saparov Umidbek Qodirberdi o‘g‘li
O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasining
3-bosqich kursanti

JAMOAT XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHDA ICHKI ISHLAR ORGANLARI XODIMLARI FAOLIYATIDAGI NIZOLI HOLATLARNING PSIXOLOGIK PROFILAKTIKASI

Annotatsiya: Mazkur maqolada jamoat xavfsizligini ta’minlashda ichki ishlar organlari xodimlari faoliyatida yuzaga keladigan nizoli holatlarning psixologik xususiyatlari va ularning profilaktikasi masalalari tahlil etilgan. Nizolarning kelib chiqishiga ta’sir etuvchi kommunikativ, emotsional va individual-psixologik omillar yoritilib, fuqarolar bilan samarali muloqot, psixologik aloqa, hissiy-irodaviy barqarorlik hamda psixodiagnostikaning profilaktik imkoniyatlari ochib berilgan.

Isayev S.A. Huquqni muhofaza qiluvchi faoliyat samaradorligini oshirishda fan va ta’limning roli: integratsion yondashuv	**96**
Shermatova N.S. Kursantlarda kasbiy tayyorgarlik mexanizmlarini takomillashtirish — jamoat xavfsizligini ta’minlashning psixologik omili	**107**
Tursunova O.A. Jamoat xavfsizligini ta’minlashda kursantlarning kasbiy madaniyatini shakllantirish: interaktiv va trening texnologiyalari	**115**
Tulyaganov F.V. Jangovar harakatlar hududidagi zamonaviy xavf-xatarlarning tizimli tahlili	**124**
Саитқулов Қ.А., Абдугаппаров А.А., Кутлимуратов М. Ш. Ижтимоий профилактика тадбирлар муддатларини белгилаш: муаммо ва ечимлар	**132**
Shermatova N.S., Saparov U.Q. Jamoat xavfsizligini ta’minlashda ichki ishlar organlari xodimlari faoliyatidagi nizoli holatlarning psixologik profilaktikasi	**142**
Shermatova N.S., Erkinov O‘.F. Jamoat xavfsizligini ta’minlashda kompyuter o‘yinlariga tobe o‘smirlarning psixologik muammolarini psixodiagnostika va psixokorreksiya qilish	**149**
Ашурова С.У. Ўзбекистон республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий тизими: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари	**156**
Исақулов С.Қ. Ички ишлар органлари ходимларининг психологик барқарорлигини таъминлашда психологик хизматнинг ўрни	**165**
Атажанов Ў.М. Жамоат хавфсизлигини таъминлашда ҳудудий хавф хариталари ва сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари	**173**
Ismailova N.S. Harbıy xızmatchılarnıng kasbıy, axloqıy va ruhıy tayyorgarlıgını rıvojlantırıshda kıtobxonlık madanıyatınıng rolı	**180**
Маюсупова Ш.Ш. Психодиагностика в органах внутренних дел как детерминанта результативности системы общественной безопасности	**187**
Ортиков Ж.А. Формирование психологической устойчивости будущих офицеров общественной безопасности в процессе огневой подготовки:	**191**